

Малайзия Рамазон бозорларини очишга рухсат берди



11:30 / 20.04.2021 1203

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурнинг марказий майдонларидан бирида, барча харидорлар учун Рамазон бозори ўз эшикларини очди. Буюк Осиё манбасининг хабар беришича, Рамазон бозорида мусулмонлар учун ҳалол, покиза озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, аксессуарлар ва бошқа косметик маҳсулотлар сотилади.

«Мен бу йил Рамазон бозорлари қайта очилгани учун расмийлардан жуда хурсандман ва миннатдорман!», дейди дўкон эгаси Рабия Аҳмад. — Одамлар ишлар яхши кетаётганини ҳис қилишмоқда ва барча кўрсатмаларга амал қилишмоқда.

Сотувчи Риена Амелиа ҳамкасби билан бирдамлигини изҳор этиб: «Бу йил яна савдога қайтганимиздан жуда мамнунмиз. Акс ҳолда, яшашим қийин бўлар эди. Ҳозир мен жуда хурсандман!».

Майзатул Ҳасананинг таъкидлашича, ўтган йили фақат пирогларни интернет орқали сотганини айтиб ўтади.

Хуршид Маъруф тайёрлади